

УЙҒОНИШ ДАВРИ ОЛИМЛАРИНИНГ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли

ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси лейтенант
choriev99@list.ru, тел: 994813421

Мақолада

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар ҳақидаги уйғониш даври мутафаккирларининг қарашлари, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ғояларнинг дастлабги кўринишлари ва Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий нормаларни жорий қилиш келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Инсон ҳуқуқлари, БМТ, концепция, конференция, Конститутция, Резолюция, Ассамблея,

ВЗГЛЯДЫ УЧЕНЫХ ЭПОХИ ВОЗРОЖДЕНИЯ НА ПРАВА И СВОБОДЫ ЧЕЛОВЕКА.

В статье: упоминаются взгляды мыслителей эпохи Возрождения на права и свободы человека, первые проявления представлений о правах человека и внедрение международно-правовых норм о правах человека в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: права человека, ООН, концепция, конференция, Конституция, резолюция, Ассамблея,

VIEWS OF RENAISSANCE SCHOLARS ON HUMAN RIGHTS AND FREEDOMS

Abstract

In the article, the views of Renaissance thinkers on human rights and freedoms, the first manifestations of ideas about human rights and the introduction of international legal norms on human rights in the Republic of Uzbekistan are mentioned.

Keywords: Human rights, UN, concept, conference, Constitution, Resolution, Assembly, Умуман олганда, Уйғониш даврининг дастлабки пайтлари мутафаккирларининг инсон ҳуқуқлари бўйича ғоялари ҳамда Эркинликнинг буюк хартияси ўрта асрларнинг кейинги босқичларида Европада инсон ҳуқуқларига оид ғояларнинг янада ривожланишига ва ғоялардаги инсон ҳуқуқларининг меъёрий ҳужжатларда

мустахкамланишига ҳамда жамиятнинг кенг қатлами томонидан қабул қилина бошлашига катта туртки бўлди.

Уйғониш даврининг навбатдаги босқичида табиий ҳуқуқ ғояси янада ривожланиб борди ва бу жараён феодализмнинг умумий танглиги шароитида кечган. Бу ҳолат жамиятда феодализм тартибларига қарши норозиликларнинг кучайишига ва илғор ғояларнинг кенг тарқалишига ёрдам берар эди. Шу билан бир вақтда, Европада табиий ҳуқуқнинг оқилона назарияси узил-кесил шаклланди. Бу назария таниқли мутафаккирлар Г.Гроций, Б.Спиноза, Ж.Локк, Ш. Монтескье, Д. Дидро ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топди. Табиий ҳуқуқ назарияси феодализмни танқид қилиш ҳамда шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқ ҳукмронлик қилиши зарурлигини асослаш билан, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги янгича тасаввурлари билан феодализмга қарши қаратилган ва миллий-озодлик йўналишидаги инкилобларни ғоявий тайёрлашга ва уларнинг натижаларини юридик жиҳатдан мустахкамлашга катта улуш кушган. Хусусан, давлат фаолиятининг келиб чиқиш манбаи ва ҳуқуқий асоси сифатида ижтимоий шартнома концепцияси алоҳида аҳамиятга эга бўлган¹. “Давлат, - деб ёзганди голландиялик ҳуқуқшунос Г. Гроций (1583-1645), - эркин кишилар томонидан қоидаларга риоя этишни ва умумий фойдани кўзлаб тузилган иттифокдир”². Г. Гроцийнинг ватандоши файласуф, Б. Спиноза (1632-1677) “давлатнинг мақсади аслида эркинликдир”³ деб таъкидлаган, сунгра “хар кимнинг фуқаролик ҳолатидаги табиий ҳуқуқи тугамайди”⁴, деб уқтирган. Зотан, инсон табиий ҳолатда ҳам, фуқаролик ҳолатида ҳам ўз табиати қонунлари бўйича ҳаракат қилади: ўз фойдасини кўзлаб фикр юритади, кўрқув ва умид измида яшайди. Инсонни унинг табиий ҳуқуқларидан маҳрум этиш зулмга асосланган бошқарув усулига олиб боради⁵. Инглиз мутафаккири Ж. Локк (1632-1704) хар ким фуқаролик манфаатлари: ҳаёти, соғлиги, эркинлиги таъминланиши, сақланиши ва амалга оширилиши имкониятига эга бўлиши “ҳамда пул, ер, уй-жой, рўзгор ашёлари ва шу каби ташки неъматларга эгалик қилиши” учун қанча ваколат зарур бўлса, давлат одамлардан худди шунча ваколат олади, деб ҳисоблаган. Ж. Локкнинг фикрича, халқнинг суверенитети унинг ўзи томонидан барпо этилган давлатнинг суверенитетидан юқориқдир. Шу сабабли, золим ҳукмдорларга нисбатан халқ “арши аъло”га илтижо этиши ва куч қўллаши шарт. “Бош ва буюк мақсад” - хуррият тузумига давлатдаги ҳокимият ваколатларини тенг тақсимлаш йўли билан эришиш мумкинлиги хусусида Локк айтган фикр, айниқса, муҳимдир⁶. Ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши ва бундай тақсимотнинг

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. - Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. - Б. 48.

² Гроций Г. О праве войны и мира. - М.: 1956. - С. 74.

³ Спиноза Б. Избранные произведения. Т.2. - М.: 1957. - С. 261.

⁴ Спиноза Б. Избранные произведения. Т.2. - М.: 1957. - С. 300.

⁵ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. - Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. - Б. 48.

⁶ Локк Дж. Избранные философские произведения. - М.: 1960. Т.2. - С. 116; История политических и правовых учений: Учебник/ Под ред. О.Э. Лейста. - М.: 1997. — С. 185—190.

тамойиллари тўғрисидаги ғоя француз мутафаккири Ш.Л.Монтескье (1689-1755) томонидан қўллаб-қувватланган ва ривожлантирилган. У ўзининг “Қонунларниш руҳи тўғрисида” деган асарида шуни таъкидлаганки, ҳар бир давлатда ҳокимиятнинг учта тармоғи, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўлмоғи лозим. Монтескьенинг фикрича, “қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият битта шахс ёки биргина муассаса тимсолида бирлашадиган бўлса, озодлик ва эркинлик бўлмайди, чунки ана шу ҳукмдор ёки сенат золимликка асосланган қонунларни золимонга йўл билан қўллаш учун яратаверишидан кўркса бўлади. Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан ажратиб қўйилмас экан, бунда ҳам эркинлик бўлмайди. Агар суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимият билан бирлашгудек бўлса, фуқароларнинг ҳаёти ва эркинлиги ўзбошимчалик, бедодлик ҳукми остида қолади, зотан, қонун чиқарувчи унинг, яъни судьянинг ўзи бўлади. Бордию, суд ҳокимияти ижро этувчи ҳокимият билан бирлашиб кетадиган бўлса, судьянинг - зулм ўтказувчига, бинобарин, зулмкорга айланиш эҳтимоли юзага келади. Ана шу учала ҳокимият битта шахс ёки муассаса тимсолида бирлашадиган бўлса, ҳамма нарса халоқ бўлди деяверинг: ҳокимият қонунлар яратади, ҳокимият умумдават тусидаги қарорларни ижро этади ва ҳокимият жиноятлар устидан ҳукм чиқаради ёки хусусий шахслар билан судлашади”⁷. Табиий ҳуқуқ назариясига Ж.Ж.Руссо (1712-1778) катта хисса қўшган. Унинг фикрича, табиий ҳолатда барча кишилар тенгдир. Фақат соғлиқ ҳолати ва ёшига кўра тенгсизлик мавжуд, холос. Ижтимоий тенгсизлик, Руссонинг эътиқодича, меҳнат қуроқларини такомиллаштириш жараёнида, хусусий мулкчилик ва маданият юзага келиши асносида келиб чиқади. Бунинг оқибатида бойлар ва қашшоқларга бўлиниш содир бўлади. Шу муносабат билан Руссонинг айтишича, одамлар ўз ҳуқуқларини бой бермайдиган ва эркинликларини сақлаб қоладиган сиёсий тузилмагина қонуний ва ваколатлидир. Унинг мулжалига кўра, ижтимоий шартнома давлат ҳокимиятининг асосидир. Бундай шартнома амал қилганида ҳар бир одам ўзини умум хоҳиш-иродасининг олий раҳбариятига бағишлайди ва бу билан унинг (хоҳиш-ироданинг) қатнашчисига айланади, негаки, ҳокимият шартнома қатнашчиларидан таркиб топадиган суверен ихтиёрига ўтади. Суверенитетнинг ўзи халққа тегишлидир⁸. Ж.Ж. Руссо халқнинг золимларга қарши ўзгармас ҳуқуқи борлигини эътироф этган. Табиий ҳуқуқ ғоясини француз қомусий алломаси Д. Дидро (1713-1784) ҳам қўллаб-қувватлаган. У ҳам инсонга олий қадрият тариқасида қараган. “Фақат иккита чин бойлик мавжуд, — деб таъкидлаган эди у, - бу инсон ва заминдир ”⁹. Д. Дидро ҳам давлат ҳокимиятини ижтимоий шартнома махсули деб билган. “Ҳеч кимга табиат бошқа кишилар устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини бермаган, — деб ёзганди у. - Эркинлик самовий инъомдир ва ҳар бир шахс ундан ақлини ишлата бошлаши биланок фойдаланиш ҳуқуқига эга”.

⁷ Монтескье Ш. Избранные произведения. - М.:1955. - С. 289.

⁸ История политических учений /Под ред. О.В.Мартышина. - М.: 1996. Вып.2. - С.61 - 74; Руссо Ж.Ж. Трактаты. - М.: 1990.

⁹ Права человека: Учебник-хрестоматия. /Под ред. А.Х. Саидов. - Т.: УМЭД, 2001. - С. 17.

Табиат ҳукмронлиги хусусида фикр юритиб, у шундай деб таъкидлаган: "... бошқа ҳар қандай Ҳукмронликнинг келиб чиқиши табиатга бориб тақалмайди ”¹⁰. Диккат билан, синчиклаб ўрганилса, табиат ҳукмронлигининг манбаи ҳамisha қуйидаги икки ҳолатдан бири эканлиги аён бўлади: ҳокимиятни ўзлаштириб олган шахснинг зуравонлиги ва шафкатсизлиги ёхуд ўзлари тузган ёки тузишни мулжаллаётган шартнома бўйича муайян шахсга буйсунганлар билан ҳокимият кимга ишониб топширилган бўлса, ўша кимса ўртасидаги розиликдан иборат. Табиий-ҳуқуқий тартиб ғоясидан феодал-мутлак тузумларни оқлаш учун фойдаланилганлигини ҳам, албатта, айтиб ўтиш керак бўлади. Шу муносабат билан, Германия табиий ҳуқуқ назариясининг йирик намояндаси С.Пуфендорфнинг (1632-1694) қарашлари ҳам ибратлидир¹¹.

Халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа нисбатан усту- ворлигини эътироф этади ва бу билан инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзи қўшилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига содиқлигини конституциявий даражада эълон қилган. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мукаддимасида: "...халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда...", - деб кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, Конституциянинг 2-бўлими, 18-52-моддалари тўлиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласига бағишланган. Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқнинг турли соҳалари билан чамбарчас боғлиқ равишда, яъни ўзаро таъсир кўрсатиш йўли билан ривожланиб бормоқда. Бу соҳаларга халқаро одат ҳуқуқи, халқаро шартномалар ҳуқуқи, халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, халқаро гуманитар ҳуқуқ каби халқаро ҳуқуқ соҳаларини киритиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари ва халқаро одат ҳуқуқи. Халқаро одат ҳуқуқи давлатларнинг ҳуқуқий мажбурияти тушунчасидан келиб чиқади ҳамда қатъий риоя этиладиган умумий ва доимий амалиётдан ташкил топади. Халқаро одат халқаро ҳуқуқнинг манбаидир. Халқаро ҳуқуқнинг одат нормаси ҳулк-атвор ва юриш-туришнинг барчага баб-баравар қоидалари, яъни халқаро ҳуқуқ субъектлари юридик жиҳатдан мажбурий деб эътироф этиладиган қоидалар бир хил амал қилишида кўринади. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ давлат билан унинг фуқаролари ўртасидаги фуқароларнинг ҳуқуқларини халқаро микёсда ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Бошқа давлатлар, одатда, бундай ҳуқуқ мониторингига факат оддий дипломатик амалиёт воситасида тасодиф туфайли жалб этилиб қолиши мумкин. Шундай қилиб, давлатлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни ҳосил этиш сифатида қабул қилинган амалиёт, умуман олганда, халқаро одат ҳуқуқини ташкил этувчи ҳулк-атвор ва юриш-туришнинг айрим шаклларида фарқ қилувчи шаклларни ўз ичига олади, улар, хусусан, қуйидагилардан иборат: биринчидан, БМТ Низомига ва унинг инсон ҳуқуқларига доир қоидаларига

¹⁰ Права человека: Учебник-хрестоматия. /Под ред. А.Х. Саидов. - Т.: УМЭД, 2001. - С. 18.

¹¹ История политических и правовых учений: Учебник/Под ред. О.Э.Лейста.-М.: 1997.-С . 195-196.

ялпи тарафдорлик; иккинчидан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси универсал тарзда ва тезда тасдиқ этилган ҳолда қабул қилинганлиги; учинчидан, инсон ҳуқуқларининг умумэътироф этилган тамойилларини қабул қилиш ёки айрим ҳуқуқларнинг ўзини қабул қилиш тўғрисида халқаро битимларни тайёрлаш ҳамда қабул қилиш ишида давлатларнинг ялпи иштироки; туртинчидан, инсон ҳуқуқлари тамойилларининг Европа, Лотин Америкаси ва Африкадаги минтақавий ташкилотларда давлатлар томонидан қабул қилиниши; бешинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро тамойилларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари деб эътироф этилиши; олтинчидан, давлатларнинг ўз миллий ҳуқуқий тизимлари ёки амалиётларини халқаро стандартларга ёки халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган тамойилларга мувофиқ ҳолга келтириш борасидаги фаолияти ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларнинг миллий конституциялар ва қонунларга бевосита ёки билвосита киритилиши; еттинчидан, миллий сиёсатда, дипломатик амалиётда, халқаро ташкилотларнинг фаолияти ва ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари тамойилларига мунтазам мурожаат этиб турилиши; саккизинчидан, давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни бузиш билан боғлиқ амалиётни, шу жумладан, бошқа давлат томонидан қонунбузарликка жавоб тариқасида кўрилатган қамоққа олиш чоралари ва содир этилатган бошқа номатлуб ҳаракатлари акс этган бошқа муносабатлари ёки ҳаракатлари¹². Халқаро одил суд ҳамда Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро одат ҳуқуқи мавжудлиги эътироф этилган. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро одат ҳуқуқи, асосан, биринчи авлод (туркум) ҳуқуқлари деб юритиладиган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга тааллуқли бўлиб, иккинчи ва учинчи авлод ҳуқуқларига, энг аввало, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларга амалда дахл этмайди¹³. Инсон ҳуқуқлари ва халқаро шартномалар ҳуқуқи. Халқаро шартномалар ҳуқуқи давлатлар билан халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги халқаро шартномалар тузиш, бундай шартномаларнинг амал қилиши ва уларни бекор қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат.

Аксарият ҳолларда, янги ривожланиш йўлига ўтган, айниқса, ушбу гарб давлатларига хайрихоҳ бўлмаган собиқ социалистик лагерда бўлган давлатлардаги сайлов натижаларини, сайлов қандай тарзда ўтишидан қатъи назар, эътироф этмаслик, халқаро стандартларга мувофиқ эмас, деб топиш ва айтиш шу вақтнинг ўзида, бошқа давлатларда эса, яъни Европа мамлакатларида ёки уларга хайрихоҳ давлатларда сайлов қонунчилиги нормалари оммавий бузилган ҳолларда ҳам, демократик ва қонуний ўтди, деб эътироф этиш ҳоллари, бундай давлат ва халқаро ташкилотларнинг фаолиятига ишончсизлик билан қарашга ва ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг турли

¹² Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. - Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. - Б. 77

¹³ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. - Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. - Б. 77

хил талқин қилинишига олиб келмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришда халқаро ҳамкорлик катта аҳамият касб этади. Бу жабҳада Инсон ҳуқуқлари бўйича II-Бутунжаҳон конференцияси (Вена, 1993 й.) мамлакатлар учун муҳим воқеалик ва йўл-йўриқ бўлди, унинг якуний ҳужжатларида инсон ҳуқуқини рағбатлантириш ва ҳимоялаш ишида асосий масъулият давлатлар зиммасида эканлиги, яъни халқаро институтлар ва механизмлар ёрдамчи роль уйнаши ҳақидаги қоида қайд этилган. Ҳар бир мамлакатдаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазият халқаро ҳамжамиятни сўзсиз ташвишга солишини эътироф этиб, Ўзбекистон, айтилишича, унга нисбатан инсон ҳуқуқлари мавзусини сиёсийлаштиришга интилишлар ва “икки томонлама стандартлар” сиёсати мутлақо йўл қўйилмаслиги лозим, деб ҳисоблайди ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни муҳофафза қилишда универсаллик, бегаразлик, холислик ва бир хилликни таъминлашга чақиради. Таъкидлаш лозимки, БМТ Бош Ассамблеясининг 61-сессия- сида қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат қилиш муносабатларини рағбатлантириш” тўғрисидаги 61/166-сонли Резолюцияни қабул қилишда Ўзбекистон ташаббускорлардан бири бўлди, унда “айрим мамлакатларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳақида сиёсий асосланмаган ва шовишманлик билан қарорлар қабул қилишдан, бир-бирига қаршилик қилиш услублари, инсон ҳуқуқларидан сиёсий мақсадларда фойдаланиш ҳолларидан воз кечиш зарурлиги”га алоҳида ургу берилган ҳамда “инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро учрашувларда сиёсий, иқтисодий ва маданий хилма- хиллик мамлакатлар зўрқасида барқарор ва дустона муносабатларни ривожлантириш ҳамда халқаро учрашувларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро Ҳурмат қилиш” зарурлиги эътироф этилган.

Ҳозирги замон инсон ҳуқуқларидаги яна бир муаммо, бу масалан, “гуманитар интервенция” назарияси каби халқаро ҳуқуқда норматив асосда эътироф этилмаган доктриналардан айрим давлатлар томонидан ўз ташки сиёсатида фойдаланишидир. Ушбу муаммо, яъни “гуманитар интервенция”ни қўллашнинг ҳаққонийлиги турли хил халқаро конференцияларда, шу жумладан, Бутунжаҳон Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси конференцияларида ҳам муҳофафза қилинган¹⁴. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ фанида айрим олимлар томонидан гуманитар интервенцияни қўллаш мумкинлигига оид турли хил мезонлар илгари сурилмоқда ва улар жумласига қуйидагилар киради: 1) инсон ҳуқуқлари кўпол равишда бузилиши содир бўлишининг ҳавфи муайянлиги ёки унинг содир бўлиши; 2) мумкин бўлган тинч воситаларнинг барчасидан фойдаланиб бўлиниши ва натижа чиқмаганлиги; 3) давлатга инсон ҳуқуқларининг кўпол равишда бузилишини тўхтатишни талаб қилиб ультиматум тақдим этилган бўлиши кераклиги; 4) агар вақт етарли бўлса, давлат гуманитар интервенция давомида эришилаётган мақсадлари тўғрисида хабар бериши кераклиги; 5) агар Ҳавфсизлик кенгаши ҳаракатсизлик қилаётган бўлса, гуманитар интервенция қўлланилиши мумкин; 6) имконияти борида, унинг ҳудудига қўшин киритилиши учун давлатдан таклифнома

¹⁴ Law and Force in the New International Order. 1991. Boulder. - P. 113-142.

олиш мақсадга мувофиқ; 7) харбий кучни факат кўпол равишда инсон ҳуқуқларининг бузилишига барҳам бериш мақсадида қўллаш лозим ва давлатнинг бошқа мақсадларида ишлатилиши мумкин эмас; 8) харбий кучни қўллашда давлатнинг сиёсий ёки ижтимоий-иқтисодий тузумини ўзгартиришни, ҳукуматни ағдариш мақсадларини кўзламаслик керак; 9) “гуманитар интервенция” вақтида факат мақсадга эришиш учун зарур бўлган микёсда чекланган кушин контингентини ишлатиш лозим; 10) қуроли кучларни чекланган вақтда қўллаш мумкин ва “гуманитар интервенция” ўз мақсадига эришгандан сўнг, кушин ажнабий ҳудуддан чиқарилиши лозим¹⁵. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “гуманитар интервенция” тушунчаси бирор-бир халқаро ҳуқуқий ҳужжатда ўзининг аниқ таърифи ва ҳуқуқий мақомини олмаган. Бу факат айрим давлатларда доктрина шаклида ишлатилмоқдаки, мазкур ҳолат ана шу давлатларнинг муайян давлатларга нисбатан сиёсатида жиддий қуролга айланмоқда. Масалан, гуманитар интервенция назарияси собиқ Югославия, Ирок каби давлатлар ҳудудларига бостириб киришда АКШ бошчилигидаги давлатлар учун таянч асос вазифасини ўтади. ХХI асрда инсон ҳуқуқлари ривожига яна бир муҳим назарий ва амалий муаммолардан бири, бу “маданий релятивизм” муаммосидир. Маданий релятивизм - бу шундай методологик кўрсатмаки, у айрим маҳаллий (локал) маданиятларга хос, кўзга яққол ташланиб ту- радиган тафовутларга асосланган ҳолда, универсал, умумбашарий қадриятлар ва тамойилларни рад этади. Маданий релятивизм инсон ҳуқуқларига татбиқан бу ҳуқуқлар Гарб маданияти махсули ва шу са- бабли уларни универсал деб ҳисоблаб бўлмайди, деган тасдиқда намоён бўлади¹⁶. Инсон ҳуқуқлари талқинидаги маданий релятивизм тарафдорлари орасида Осиё мамлакатлари, хусусан, Хитой ҳамда Эрон ҳуқуқшунослари ва сиёсатшунослари кўпчиликини ташкил этадилар. Улар мазкур методологик кўрсатмадан мамлакатларда инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги борасида, одатда, халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинаётган танқидга қарши далил сифатида фойдаланадилар. Инсон ҳуқуқларини миллий психология ва маҳаллий хусусиятларга қараб талқин қилишнинг ҳар хил усулларини рад этадиганларнинг фикрига қўшилиш мумкин. Бундай талқинлар инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларини оқлашга хизмат қила бошлагунга қадар уларга йўл қўйса бўлади. Бинобарин, бундай талқинлар керак, акс ҳолда, маданий релятивизмдан бошқа тарафга - ҳуқуқий идеализм тарафига бутунлай огиб кетиш мумкин, дейди А. Саидов¹⁷. ХХI асрдаги инсон ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, бу унинг универсаллигидир. Турли-туман маданият ва анъаналар инкишоф этилган бу азалий дунёда инсон ҳуқуқларининг универсаллиги қуйидагиларда намоён бўлади: Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида норма ижодкорлиги изчил давом этаётган ва ҳали поёнига етмаган жараёндир. Инсон ҳуқуқлари ва бу соҳадаги халқаро нормалар келажакда қандай ривожланиши, авваламбор, давлатларнинг ўзига боғлиқ. Шу сабабли инсон ҳуқуқларининг универсаллигига олдиндан белгилаб қўйилган қандайдир мезон деб қарамаслик керак. Яъни, инсон ҳуқуқлари табиатан барча инсонларга ва халқларга тегишли бўлсада, улар халқаро норма ижодкорлигига асосланган, шу билан бир қаторда, миллий ва минтақавий хусусиятларнинг аҳамиятини ҳамда турли тарихий,

¹⁵ Права человека. Учебник для вузов. /Под. ред. Лукяшева Е.А. - М.: НОРМА-ИНФРА, 1999. - С. 504.

¹⁶ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. - Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. - Б. 179.

¹⁷ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. - Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. - Б. 179.

маданий ва диний контекстларнинг моҳиятини инобатга олган ҳолда кўриб чиқилмоғи керак. Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари сиёсий тараққиётнинг муайян бир даври ёки босқичига тааллуқли бўлмайди. Яъни, бу фақат соф Ғарбнинг махсули бўлиб қолмасдан, бошқа маданиятлар, анъаналар ва динларда ҳам инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларни ўзида акс эттирган ғоялар ишлаб чиқилган бўлиб, бу ғоялар замонавий инсон ҳуқуқларининг, яъни бу соҳадаги халқаро ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва такомиллаштирилишида катта ва асосий роль уйнамокда¹⁸. Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ХХІ асрда, яъни глобаллашув янада жадал ривожланиб бораётган бир жараёнда, давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорлиги масаласи уларнинг ҳам ички сиёсати, ҳам ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айлантирмокда. Шу билан бир қаторда, мазкур ҳолат бу масалада ҳам назарий ва шу билан боғлиқ ҳолда амалий муам- моларни ҳам келтириб чиқармокдаки, бу муаммоларни ҳал этиш “Инсон ҳуқуқлари” фанининг ва мазкур фаннинг алоҳида соҳаси сифатида ажралиб чиқаётган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий вазифаси бўлиб қолмокда. Бугунги глобаллашув асрида энг муҳим муаммолардан бири тер- роризмга қарши курашдир. Терроризм ўз олдида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийликни йўқ қилишни мақсад қилиб қуйган. У БМТ Устави ва бошқа халқаро шартномалар асосида бўлган қадриятларга, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга, ҳуқуқнинг устуворлигига, фуқаролар аҳолини ҳимоя қилувчи уруш олиб бориш қоидаларига; халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги бағрикенгликка, можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга зарба беради. Терроризм айрим инсон ҳуқуқлари, хусусан, яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва жисмоний дахлсизликни амалга ошириш имкониятларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Террористик ҳуружлар ҳукуматни нобарқарорлаштириши, фуқаролик жамиятини, тинчлик ва ҳавфсизликни бузиши, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнини ҳавф остига қўйиши ҳамда аҳолининг айрим гуруҳларига қучли салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг асосий ҳуқуқларини амалга оширишга бевосита таъсир қилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларда давлат ўз юрисдикцияси остидагиларни террористик ҳуружлардан ҳимоя қилишга ҳуқуқли ва мажбур эканлиги аниқ белгилаб қўйилган. Бу қоида ўз юрисдикцияси остидаги шахсларнинг инсон ҳуқуқларига тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиши билан боғлиқ бўлган давлатнинг умумий мажбуриятларидан келиб чиқади. Агар, янада аниқроқ қилиб айтилса, бу мажбурият давлат томонидан инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳамда ҳавфсизлигининг ҳурмат қилинишини кафолатлаш бўйича мажбуриятининг таркибий қисми ҳисобланади. 2005 йили Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Бутунжаҳон Саммитининг Яқунловчи ҳужжатида терроризм билан кураш олиб боришда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш масаласи кўриб чиқилди ва терроризмга қарши кураш борасидаги халқаро ҳамкорлик БМТ Устави, тегишли конвенция ва протколларни қўллаган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим, деб хулоса қилинди. Чекланган ҳолларда, мисол учун, миллат ҳаёти ҳавф остига тушиб қоладиган давлатдаги фавқулодда ҳолат қоидаларидаги давлат Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг

¹⁸ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ - Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 180-181.

айрим нормаларидан чекланиши тўғрисида чоралар кўриши мумкин. 4-моддада иштирокчи-давлат Пактда кўзда тўтилган айрим мажбуриятларидан қонуний асосларда орқага қайтиши учун бажариши шарт бўлган формал ва мавжуд талабларни бажариши лозимлиги баён этилган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда кўзда тўтилган айрим инсон ҳуқуқларидан воз кечишга хаттоки, ғавқулодда ҳолатлар даврида ҳам йўл қўйилмайди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 4-моддаси 2-қисмида чекиниш мумкин бўлмаган ҳуқуқлар сифатида яшаш ҳуқуқи, қийноққа ёки шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога мустахик бўлмаслик ҳуқуқи, қўллик ва тобелик ҳолатини тақиқлаш, шартномавий мажбуриятларни бажармаганлиги асос қилинган ҳолда озодликдан маҳрум қилишга дучор бўлмаслик ҳуқуқи, содир этилган пайтида жиноят ҳисобланмаган ҳаракат учун жазога тортилмаслик ҳуқуқи, ҳуқуқ субъектчилиги эътироф этилишига бўлган ҳуқуқ, шунингдек, фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги кўрсатиб ўтилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари буйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. - Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. - Б. 48.
2. Гроций Г. О праве войны и мира. - М.: 1956. - С. 74.
3. Спиноза Б. Избранные произведения. Т.2. - М.: 1957. - С. 300.
4. Локк Дж. Избранные философские произведения. - М.: 1960. Т.2. - С. 116; История политических и правовых учений: Учебник/ Под ред. О.Э. Лейста. - М.: 1997. — С. 185—190.
5. Law and Force in the New International Order. 1991. Boulder. - P. 113-142.
6. Права человека. Учебник для вузов. /Под. ред. Лукяшева Е.А. - М.: НОРМА-ИНФРА, 1999. - С. 504.
7. История политических и правовых учений: Учебник/Под ред. О.Э.Лейста.-М.: 1997.- С . 195-196.